



КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТАСНИФИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Арипов Алишер Сайфиддинович

Навоий давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси. тел:+99898-189-78-88 Ўзбекистон. Навоий вилояти. Навоий шаҳри.

Коррупция – мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Коррупция пайдо бўлганидан бошлаб, инсоният ҳаётида долзарб муаммолардан бирилигича қолмоқда. Ҳеч бир давлат йўқки, коррупция таъсирига дучор бўлмаган бўлса. Уни тағ-туби билан йўқ қиладиган механизм ишлаб чиқилмаган, фақатгина минимал даражага тушириш мумкин.

“Transparency International” ташкилотининг асосчиси Питер Айгеннинг фикрича, халқаро амалиётда коррупция, порахўрлик “ҳаётнинг ажралмас қисми” бўлиб қолганлигини, лекин мазкур ҳодисага қарши курашиш лозимлигини айтиб, шу мақсадда коалиция тузишга чақиради⁷⁵.

Коррупциянинг тури ҳам, тавсифи ҳам жуда кўп бўлиб, унинг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши курашишнинг самарали йўллари топиш бўйича турли илмий тадқиқотлар ўтказилган, таҳлил қилиш учун турли кўрсаткичлар акс этган жадваллар ва ўзига хос рейтинглар яратилган, хилма хил формулалари ишлаб чиқилган бўлсада, бу борада ишлар жадал равишда давом этмоқда.

Коррупцияга нисбатан берилган кўпчилик таърифлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, қуйидагича: “Коррупция сўзи лотинча “бузиш”, “айниш” деган маъноларни англатади. Бирор мансабдор шахснинг қонунчиликка ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар мақсадида фойда олишидир. Коррупция атамаси одатда сиёсий аппаратга нисбатан ишлатилади. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади⁷⁶.”-деб баён қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида коррупция жиноятларини алоҳида ажратилган ва аниқ қилиб кўрсатилган қисми мавжуд эмас. Муаммо шундаки, коррупциявий жиноятчиликка нисбатан айна кунда турлича ёндашув мавжуд бўлиб, ушбу турдаги жиноятларни таҳлилини юритишда аниқ бир мезонлар мавжуд эмас, бу борада аксарият ҳолларда халқаро индекслардан фойдаланилмоқда ва мамлакатимиз ҳаётига мос ва мукамал ўлчовлар кўрсаткичи ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, коррупция тушунчаси жиноят қонунчилигида айнан битта моддани қамраб олмаган, аксинча бир нечта қилмишларни ўзида жамлаган кенг қамровли тушунча бўлиб, коррупция деганда бир нечта ва турли хил кўринишдаги жиноятлар назарда тутилади.

⁷⁵ Питер Айген. К обществу без коррупции. 2004, №2, с.3.

⁷⁶ Бадиев Ш. Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий ҳамда халқаро тажриба. <https://oliymahad.uz/26335>.



Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги 16 турдаги жиноятлар коррупцияга оид жиноятлар сифатида белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида алоҳида бўлим таркибида жамлаш таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси учинчи қисми “д” банди (мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата);
2. 168-моддаси тўртинчи қисми “г” банди (хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш);
3. 192-9-моддаси (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш);
4. 192-10-моддаси (ННТ ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш);
5. 192-11-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ННТ ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини ғаразгўйлик ниятида суистеъмол қилиш);
6. 205-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш);
7. 206-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш);
8. 208-моддасининг иккинчи қисми (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ҳаракатсизлиги);
9. 209-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган мансаб сохтакорлиги);
10. 210-моддаси (пора олиш);
11. 211-моддаси (пора бериш);
12. 212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш);
13. 213-моддаси (давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш);
14. 214-моддаси (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши);
15. 243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш), агар жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларга нисбатан содир этилган бўлса;
16. 301-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди (оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги).

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида, коррупцияга қуйидагича таъриф берилган:

“Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий



наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш⁷⁷.”

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳлари кундалик фаолиятига айланиб, ўзаро бир-бирига боғланиб, чирмашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди. “Нозик”, “чигалроқ” ушбу масалада давлатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари бирмунча хушёр, зийрак бўлиши, шунингдек, нодавлат ташкилотлари, турли комиссиялар, журналистлар, мустақил судлар тизими фаолроқ ишлаши ҳақида тадқиқотчилар анчадан бери ёзиб келади. Сиёсатчилар, социологлар, психологлар, тарихчилар, давлат ҳамда жамоат органлари, сиёсий партиялар, энг муҳими, амалиётчилар масалани таҳлил этиш ва ечимини топиш устида бош қотириши лозим⁷⁸.

Аксарият манбаларда “коррупция бирор мансабдор шахснинг қонунчилик ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар мақсадида фойда олишидир⁷⁹,”-деб таъриф берилади. Шу ўринда савол туғилади, мансабдор бўлмаган шахслар томонидан коррупция билан боғлиқ ҳолат содир этилиши мумкин эмасми? Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, коррупцияга қарши курашиш функциясини бевосита бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларлардан баъзилари амалдаги Жиноят Кодексига кўра “фирибгарлик” жинояти сифатида назарда тутилган коррупция аломатлари бўлган ноқонуний ҳаракатларни ҳам коррупцияга оид жиноят сифатида ҳисоботларида қайд этаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий сайтида ёзилишича, “Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир”.

Коррупция тушунчасига кўплаб таърифлар берилган бўлсада, айрим олимларнинг фикрига қараганда давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда жиноят нуқтаи назаридан шу вақтга қадар аниқ таъриф берилмаган⁸⁰.

Шунингдек, бугунги кунга қадар коррупция тушунчасига мукамал таърифни ишлаб чиқиш муаммолигича қолмоқда, коррупция ҳолати кўпчилик тасаввурида ноаниқлик ва мавҳумликни мужассамлаштирган ҳодиса сифатида қолмоқда. Коррупция ўзи нима эканлиги, унинг ягона ва тўлиқ қамровли тушунчаси ҳалигача шакланмасдан, Жиноят Кодексининг айнан қайси моддалари билан квалификация қилинишига нисбатан хилма хил ва баҳсли қарашларни вужудга келтирмоқда. Коррупцияга нисбатан турлича қарашларнинг мавжудлиги эса ҳудудлардаги коррупция даражасини аниқлашда бир қанча қийинчиликларни туғдирмоқда. Айнан қайси ҳодиса коррупция сифатида назарда тутилиши, бу борада таҳлилнинг асослантилмасдан, нисбий тушунчаларга кўра амалга оширилиши эса келгусида

⁷⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2021 й., 03/21/683/0375-сон, <https://lex.uz>.

⁷⁸ Омонов Б. Коррупция ва миллий тараққиёт: Муаммо ва ечим. <https://xs.uz/uzkr/post>.

⁷⁹ Коррупция нима ўзи ва у нимадан бошланади? <https://customs.uz/uz/news/view/4478>.

⁸⁰ Абдурашулова Қ, Қўрбонova О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола).-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.-14-б.



жиноятчилик даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни тўғри амалга оширишда ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

АҚШнинг изоҳли луғатида⁸¹: “Коррупция - кучли одамлар (масалан: ҳукумат амалдорлари ёки полиция ходимлари)нинг инсофсиз ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлари, ноқонуний ёки нотўғри йўллар билан порахўрликка ундаш, асл нусхадан ёки тўғри нарсадан четга чиқиш, эриш, айнаш”-деб таъриф берилади.

Кўпчилик коррупция сўзини тор маънода, яъни, мансабдор шахсларнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб содир этишадиган порахўрлик билан боғлиқ қилмишларини тушунишади⁸².

Қадимги Рим қонунларида “*rogumpere*” атамаси- “судда кўрсатувни пул эвазига ўзгартириш” ва “судяга пора бериш” маъноларида қўлланилган⁸³.

Иқтисодчи Бэрдхеннинг фикрига кўра, макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичига энг катта салбий тўлқинни олиб кирувчи омил айнан коррупция ҳисобланади. Унинг кўринишлари турлича бўлиши мумкин: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, непотизм ва ҳ.к⁸⁴.

Коррупция даражасининг юқорилиги мамлакатнинг халқаро миқёсда обрўсини туширадиган, инвестициявий муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган омилдир. Шу боис коррупция билан муроса қилиб бўлмайди⁸⁵.

Коррупция, биринчидан, жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислоҳотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди; иккинчидан, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради; учинчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезон, ғарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу камчилик эса олдинга силжишимизга халақит беради⁸⁶.

Коррупциянинг қуйидаги асосий турларини ажратиш мумкин: – маиший; – хизмат билан боғлиқ; – профессионал белгисига кўра. Маиший коррупция фуқароларнинг кундалик ҳаёти ва оилавий аҳволи билан боғлиқ бўлиб, шахсий ҳаётнинг эҳтиёжлар – даволаниш, таълим олиш, дам олиш, уй-жойга эга бўлиш, шахсий ҳимоя ва бошқалар билан қондириш жараёнида келиб чиқади. Хизмат билан боғлиқ коррупция жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, фирмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш эҳтиёжлари, шунингдек уларни давлат ҳамда бир-бирлари билан ўзаро алоқаларини қўйиш жараёнларида келиб чиқади. Профессинал белгисига кўра у божхона ишлари билан боғлиқ ҳолда турли танлов, аукцион ва тендерларни ўтказишда таълим тизимида пайдо бўлади⁸⁷.

⁸¹ <https://www.merriam-webster.com/dictionary/corruption#examples>.

⁸² Муллажонов Ш. Коррупция – тараққиётга таҳдид. <https://sangzor.uz/breaking-news/10537>.

⁸³ История коррупции. <https://linguaneet.ru>

⁸⁴ Коррупция нимадан бошланади? <https://kun.uz/17189295>

⁸⁵ Тургунов Б. Биз коррупцияга қаршимиз. <https://adolatnashr.uz/uzs/news/maqola>.

⁸⁶ Омонов Б. Коррупция ва миллий тараққиёт: Муаммо ва ечим. <https://xs.uz/uzkr/post>.

⁸⁷ Исмаилов И, Мухторов Ж, Хўжақулов С. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2017 йил. 7-бет.



Демократик кадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этилиши ҳокимиятнинг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Коррупциянинг маълум бир мамлакатда ривожланиши эса ўша давлатнинг таназзулига олиб келади⁸⁸.

АҚШнинг Пенсилвания Университети тадқиқотчилари Димент Иужен ва Тосато Гуглиолмалар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, коррупция сабаблари сифатида қуйидаги омиллар кўрсатилган⁸⁹:

1. Бюрократия ва самарасиз маъмурий ҳамда сиёсий тузилма;
2. Фуқаролик иштироки ва матбуот эркинлиги;
3. Иқтисодий эркинлик;
4. Иқтисодий ўсиш;
5. Этник хилма-хиллик;
6. Гендер тенгсизлиги;
7. Глобаллашув;
8. Ҳукумат ҳажми;
9. Ҳукумат тузилмаси;
10. Ҳукумат тизими;
11. Тарихий бошқарув;
12. Ҳуқуқий тизим;
13. Бозор ва сиёсий рақобат;
14. Табиий ресурслар фонди;
15. Сиёсий беқарорлик;
16. Қашшоқлик;
17. Мулкӣ ҳуқуқлар;
18. Дин;
19. Савдо-сотиқнинг очиқлиги;
20. Шаффофлик;
21. Урбанизация;
22. Иш ҳақи.

Юқоридагиларни инобатга олиб, коррупцияни келиб чиқиш сабабларини умумий мазмун-моҳиятига кўра қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

1. Ҳуқуқий сабаблар - мамлакатдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни мавжудлиги коррупцияга имкон яратади.
2. Иқтисодий сабаблар - аҳоли орасида камбағаллик даражасини юқорилиги, моддий таъминланмаганлик, иқтисодий ночорлик, муҳтожлик, яшаш учун шарт-шароитларнинг яратилмаганлиги коррупцияни ривожланишига сабаб бўлади.

5.5.1

⁸⁸ Муллажонов М. Коррупция – жамият таракқиёти қушандаси. <https://xorazm.adliya.uz>.

⁸⁹ Dimant Eugen; Tosato Guglielmo (1 January 2017). "Causes and Effects of Corruption: What Has Past Decade's Empirical Research Taught Us? a Survey". *Journal of Economic Surveys*. **32** (2): 335–356.



3. Ижтимоий сабаблар - жамиятда инсонлар онгида ҳалоллик тўғрисида соғлом ўй-қарашларнинг мавжуд эмаслиги, муҳитнинг бузилиши, жиноий тасаввурларнинг кенг тарқалганлиги коррупцияни келтириб чиқарувчи яна бир сабабларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашишнинг универсал усули мавжуд эмас, шундай экан коррупция ўзи нима эканлигини тушунган ва англаган ҳолда, у илдиз отган нуқталарни тезкорлик билан аниқлашимиз, унга қарши курашиш механизмини такомиллаштиришимиз зарур.

Бу борада келтирилган ўрганишларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида коррупцияга нисбатан янада кенг қамровли ва мукамал таърифни келтириб, конституциямизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, бош қомусимиз таркибига коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш борасидаги фундаментал нормаларни киритиш.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексларидаги содир этилишида коррупция аломатлари мавжуд бўлган моддаларни тўлиқ таҳлил қилган ҳолда, коррупцияга оид қилмишларни алоҳида квалификация қилиб, алоҳида бобда жамлаб, кодексларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.